



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 22 сентябрь. 18 (397)-сон

hamkor.press@mail.ru

Бу сонга:

“МАБЛАҒЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЗИММАМИЗДА”

Ахборот технологиялари университетида таҳсил олиб юрган пайтларимда иқтисодий соҳада ишловчи ходимларнинг хавфсиз ҳамда қулай ишлашини таъминловчи дастур яратиш фикри туғилди.

5-бет.

ХОРИЖГА ҚИЗ БЕРМАНГ...

Бугун сир эмаски, айрим ёшлар компьютер ёнида ўтириб, турли сайтлар орқали ўз жуфтларини топмоқда. Наҳотки, муҳаббат деб аталмиш буюк туйғунинг қадри шу даражага етди.

6-бет.

"МЕХРЖОН"

Бу байрамлар коинот, табиат қонуниятлари, Қуёш ва Ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Жумладан, Наврўз баҳорги кун-тун тенглигини қайд қилса, "Мехржон" куздаги ўша ҳолатни ўзида мужжасам қилганлиги билан эътиборга молик.

7-бет.

БУХОРОДАГИ БАНКНИНГ БОШ ОШПАЗИ

— Дилноза опа, мазали тушлик учун сизга катта раҳмат! Бугунги тайёрлаган овқатларингиз ҳар кунгидек зўр!

8-бет.

Қутлов



Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида севимли санъаткоримиз Муножат Йўлчиева "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди.

Санъаткор ҳақида 2-бетда ўқинг.

МОБИЛ ИЛОВАДАН САЙЛОВГА ОИД БАРЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТОПАСИЗ

САЙЛОВ - 2021


Октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқинлашган сайин сайловчиларни сайлов Кодекси, бўлажак сайловнинг Конституциявий ҳуқуқий асослари, сайловчининг ҳуқуқлари, сиёсий партиялар кузатувчилари, ваколатли вакиллари, номзодларнинг ишончли вакиллари ҳуқуқлари, сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллари ҳақидаги тезкор маълумотлар қизиқтиради. Ҳар бир сайловчи ўзи овоз беришда иштирок этадиган сайлов участкасини билиши, сайловчилар рўйхатидан хабардор бўлиши, сайлов кунига қадар қаерда овоз бериши мумкинлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши зарур.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига биноан, 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, мамлакатимиз бўйича мобил алоқа тизимига уланган абонентлар сони 26 млн. 953 минг нафарни ташкил этган. Агар мамлакатимиздаги сайлов ёшидаги сайловчилар сони 21 миллион атрофида эканлигини ҳисобга олсак, ҳар бир сайловчига сайлов ҳақидаги ахборотларни мобил алоқа тизими орқали етказишнинг йўлга қўйилиши катта самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Сайловчини қизиқтирадиган барча саволларга тезкорлик билан жавоб беришни ташкил қилиш, зарур адабиётлар, ўқув қўлланмалари, тест саволлари, сайловга оид маълумотлар ва ахборотлар билан таъминлашда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўз самарасини беради. Бугунги кунда интернет тармоғи орқали фойдаланувчиларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича турли қўлланмалар ва мобил иловалар яратилляпти. Сайлов кампанияси даврида ҳам мобил илова-

дан фойдаланишни, сайловчиларга ҳар томонлама қулайлик яратишни йўлга қўйиш Марказий Сайлов Комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурида кўзда тутилган.

Шу мақсадда Марказий Сайлов Комиссияси, "Project Managers" компанияси ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университети билан ҳамкорликда "Сайлов-2021" мобил иловаси яратилди. Мазкур мобил илова ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида сайловга оид материаллар билан тўлдирилган. Уни қрил ва лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида ўқиш мумкин.



> (Давоми 2-бетда).



наздимда онамнинг санъ-
аткорга, ижро этган ашула-
ларига берган баҳосидан
шаклланган. Миллий
мақомларимизни маромига
етказиб куйлайдиган хонан-
данинг ташқи кўриниши-
уzun сочла-
ри (доим
қирқ кокил
қилиб ўрил-

бўлиши лозимлигини ёшли-
гидан сақлаб келмоқда. Бу
каби фазилатларни машҳур
мақомчи устозлардан мерос
қилиб олгани шубҳасиз.
Унинг ақл ёғилиб турган
нигоҳларида ўзбек аёлла-
рига хос гўзаллик, шарқона
одоб-ахлоқ, вафодор ёр
ва меҳрибон она тимсоли
мужассам.

Поёни йўқ уммон

Истиқлол шарофати билан ўзбек мумтоз мусиқаси ва мақом санъатининг ноёб дурдоналарини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этиб, қадимий санъатимиз ва маънавиятимизни кўз-кўз қилаётган хонанданинг соҳир овози нафақат ўзбек халқи, балки, дунё санъат ихлосмандларини ҳам мафтун этмоқда. Миллий мақом ашуллари билан нуфузли концерт залларини кўп бора забт этгани ҳам рост. Андижоннинг сўлим Ширмонбулоқ қишлоғида таваллуд топган ва айни пайтда Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтида талабаларга сабоқ бериб

келаётган профессор Муножат Йўлчиева ижроси ғоят мукаммаллиги, самимияти, миллий санъатимизнинг бой мактаб ва анъаналарига таянилгани, энг муҳими, жонли ижрога асослангани билан қадрлидир. Беғубор туйғулар ошнолигида овози бутун оламга етишини, дунё халқлари қалбидан жой олишини худдики олдиндан билгандай пойтахтда ижод қилган хонанда ўша кезларда ўзбек халқи тарихида алоҳида мактаб яратишини, алоҳида ўрин тутишини билганмикин?

Таққослаш, фикрлаш оиладан бошланади. Муножат Йўлчиева сиймоси

ган ҳолда кўз ўнгимда), содда ва самимий нигоҳи... Кийиниш маданияти, рафторию рухсори, ўзини тутиши, муомала маданияти шарқона

Шу кунга қадар яккахон хонанда бўлиб фаолият кўрсатиб келаётган Муножат Йўлчиеванинг муваффақиятлари ҳали ҳеч бир хонанданинг



кор Шавкат Мирзаевлар томонидан яратилган ашуллалар "Меҳнат аҳли", "Ниҳон этди", "Айладинг", "Лаъли Яман", "Бул ажаб", "Ким кейин - ким илгари", "Раъно киби", "Етишди", "Шому саҳарларда", "Керак йўқдур", "Қаёндур" каби дурдона асарлар Муножатхон опа томонидан маромига етказиб куйланаётгани билан фахрли. Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ориф Алимахсумов, Берта Давидова, Очиҳон Отахонов, Отажон Худойшукуров, Фахриддин Умаровлар анъаналарига содиқ ҳолда жонли ижроси билан тингловчилар қалбини забт этди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ артисти унвонларига сазовор бўлди. Унинг кўксини "Эл-юрт ҳурмати", "Фидокорона хизматлари учун", "Буюк хизматлари учун", "Меҳнат шўхрати" каби бир қанча орденлар бежаб турибди. Эътирофлар қаторига "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонининг қўшилиши фахр-ифтихор туйғусини беради.

Истеъдодлар худди бепоён уммонга ўхшайди. Мақом санъатида эса тарихимиз, маданиятимиз, минг йиллик орзу-умидларимиз мужассам. У ҳамиша қалбларимизда яшайди, камалак каби жилоланади, эврилади, авлоддан авлодга ўтади. Маданиятимиз, маънавиятимизнинг бундай дурдона асарларини Муножатхон опа каби санъат фидойилари келажакка етказди. Халқимизнинг қалби, гўзал кечинмалари, нафис дил изҳорлари, меҳру муҳаббати, билими ва тафаккури абадий муҳрланган сўзлар сеҳри ила юракларга жойлашади. Демак, Муножат Йўлчиева уммон, халқлар ўртасидаги поёни йўқ уммон. Одамларнинг энг олий салтанати — юрагига сел каби оқиб кирувчи уммон. Ўзбекининг ушбу хазиnasiда унинг ҳиссаси, ўз ўрни бор.

МОБИЛ ИЛОВАДАН САЙЛОВГА ОИД БАРЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТОПАСИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иловага киришдан аввал фойдаланувчи қайси тилда фойдаланмоқчи бўлса, ўша тилни танлайди ва кириш тугмаси босилади. Мобил иловада бўлимлар, сайлов участкалари, Масс-медиа, тестлар ва ёрдам саҳифалари намоён бўлади. Маълумотлар базасининг Бўлимлар саҳифасида ўқув материаллари, услубий тавсиялар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, сайлов комиссиялари, кутубхона рукнлари жойлаштирилган. Ушбу саҳифалар тегишли маълумотлар билан тўлдирилган бўлиб, сайловчи, сайлов комиссияси аъзоси, кузатувчилар, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари учун барча зарур ҳуқуқий ахборотлардан иборат.

Мисол учун ўқув материаллари рукни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари тизими, ваколатлари ва вазифалари, сайлов жараёнида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг иштироки, маҳаллий кузатувчилар ва ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловчилар рўйхати билан ишлаш, шу жумладан, СЖБАТ (Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими) ва СЯЭР (Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан) фойдаланиш тартиби, округ ва участка сайлов комиссиялари бинолари ҳамда овоз бериш хоналарини жиҳозлашга қўйиладиган талаблар, муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш, сайлов кунига тайёргарлик кўриш, сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилишга оид мавзуларидаги ўқув материалларидан иборат. Ушбу материаллар тақдимот, маъруза матнлари, инфографикалар, видео-дарслар шаклида

тайёрланган.

Сайлов комиссиялари рукнида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган манзил, телефон рақамлари, комиссия аъзоларининг рўйхати, уларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими, сайлов комиссиясидаги вазифалари акс этган.

Бу сайлов комиссиялари билан мулоқот ўтказиш, сайловчиларни қизиқтираётган саволларни ўз вақтида ҳал қилиш, сайловчилар рўйхатининг аниқ юритилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, сайловчи сайлов кунига қадар сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган ҳолларда участка сайлов комиссияси сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими орқали ушбу сайловчининг сайловчилар ягона электрон рўйхатидан излаб топади. Сайловчи қайси сайлов участкасига рўйхатга киритилган бўлса, ўша участка сайлов комиссияси раиси ёки аъзоси билан телефон орқали мулоқот қилиши учун унинг телефон рақамини ушбу саҳифадан олиши мумкин.

Умуман олганда, сайлов компанияси давомида ҳар бир сайловчи ушбу мобил иловадан фойдаланган ҳолда тегишли сайлов комиссиясига сайловга оид ўзини қизиқтирган саволни бериши ва жавоб олиши учун жуда қўлай.

Бўлиб ўтадиган Президент сайлови шу юртининг ҳар бир фуқароси учун муҳим сиёсий воқеадир. Сайловчининг мамлакатимиз келажиги ва равнақи йўлида тўғри қарор қабул қилиши учун сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган ҳолда қатнашиши сайлов кампаниясининг муҳим шартидир.

Баҳодиржон ЮНУСОВ,

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси.

тажрибасида кузатилмаган. Жуда катта тайёргарлик, куч, маҳорат ва истеъдод талаб этиладиган мақом туркум ашуллари "Сараҳбори Дуғоҳ", "Сараҳбори Наво", "Мўғулчаи Мустазоди Наво", "Талқини ушшоқ", "Сафти Чоргоҳ", "Гиря", халқ ашуллари "Эй дилбари жононим", "Ишқинг ўтиға", "Ушшоқ" ва устозлари Ўзбекистон халқ артисти созанда ва бастакор Муҳаммаджон Мирзаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва баста-

Маълумот ўрнида: 1991 йилда Американинг "Осиё жамияти" Муножат Йўлчиева ҳамда созанда Турғун Алиматов ижро этган ашуллалар ва куйлар аудио кассетасини, Франциянинг "Окора" фирмаси хонанданинг ашуллари ёзилган компакт диск чиқарди, 1997 йилда Германияда "Нетворк" фирмаси томонидан иккинчи компакт диск чиқарилди. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида нафақат Ўзбекистонлик, балки, Франция ва Белгия давлатлари ижодкорлари томонидан ҳужжатли ва видеофильмлар яратилган.

Бир неча йиллар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳайъати аъзоси, ЮНЕСКО ташкилоти сўровномаси билан Инсониятнинг моддий ва номоддий меросини сақлаш ва эълон қилиш ҳайъати аъзолигига қабул қилиниши унинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон расмий вакили сифатида жаҳон маданий сиёсатига ўз таъсирини ўтказиб, шу орқали ўзбек моддий ва номоддий ёдгорликларини дунёнинг маданий ёдгорликлари дурдоналарига киритилишини таъминлайдиган таркибда фаолият олиб борди. 1984 йилдан бошлаб ўзбек мақом санъатини ўзининг ижро дастурлари билан Франция, Германия, Италия, Англия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Бразилия, Марокко, Тунис, Иордания ва Европа мамлакатларига ёйди. Овози Шимолдан Шарққа, Жанубдан Ғарбга етди.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

“Hamkor press” ахборот-таҳлил газетасига 2022 йил учун обуна хусусида ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

1. “Hamkor press” МЧЖ (кейинги жойларда — Ношир) мазкур оммавий оферта билан у томонидан нашр қилинадиган босма нашр — “Hamkor press” ахборот-таҳлил газетасига 2022 йил учун қуйидаги таклиф қилинаётган шартларни тўлиқ ва писандасиз қабул қилганлигини эълон қилган субъект (кейинги жойларда — Обуначи) билан обуна тўғрисида шартнома тузишга тайёр эканлигини билдиради.

2. Обуначи мазкур оммавий оферта шартларини қабул қилган тақдирда Ноширни обуна бўлишга розилигини мазкур оммавий офертага 1-Иловага мос равишда тўлдирилган Буюртма-нома-Акцепт (кейинги жойларда — Акцепт) воситасида хабардор қилиши лозим. Акцептнинг барча графалари тўлиқ ва қисқартмаларсиз тўлдирилиши ҳамда Обуначининг муҳри ёки имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Акцепт Ноширга (91) 600-68-17, (99878) 298-01-07 телефон рақамлари орқали ёки Андижон ш. Бобур шоҳқўчаси, 53-уй. 3-қават, 303-хона манзили бўйича почта ёки шахсан етказиб бериш билан амалга оширилади.

3. Обуначи нашр қийматини Ноширга 100 фоиз ҳажмда Акцепт жўнатилган пайдан бошлаб 5 (беш) банк кунидан кечиктирмай Ноширнинг ҳисобрақамига пул ўтказиш йўли билан тўлаши шарт. Тўлов, шунингдек, Обуначи билан нақд пул кўринишида Ношир ғазнасига амалга оширилиши мумкин.

4. Ношир Обуначи томонидан танланган нашрнинг обуна қиймати 100% тўланган ва Обуначи Акцепти мавжуд бўлган тақдирдагина мазкур оммавий оферта бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга тушади.

5. “Hamkor press” ахборот-таҳлил газетаси ойига икки мартаба чоп этилади. Йиллик обуна нархи 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм.

6. Таҳририят “Hamkor press” ахборот-таҳлил газетасининг навбатдаги сони нашр қилинганида газетани “Hamkorbank” АТБнинг обуна расмийлаштирган филиалига ёки обуначининг кўрсатилган юридик манзилига қадар етказиб беради. Нашриёт Обуначи томонидан Акцептда етказиб бериш манзили нотўғри кўрсатилган тақдирда, нашрлар етказиб берилмаганлиги учун жавобгар эмас.

7. Акцепт учун муддат 2021 йил 31 декабрга қадар қилиб белгиланади. Ношир томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу муддатдан кечиктириб олинган ҳолатда, шартнома тузилган ҳисобланмайди. Томонларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди.

8. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки тегишли тартибда бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортиладилар. Томонлар билан ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки тегишли тартибда бажармаганлик ҳолатларида реал ва исботланган зарарларгина қопланади.

9. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки тегишли тартибда бажармаганлик ҳолатлари учун, башарти улар Шартнома тузилганидан сўнг фавқулодда ҳолат характерига эга бўлган ҳодисалар натижасида Томонлар олдиндан кўра билмаган ва оқилона чоралар билан олдини ололмаган, бартараф қилиб бўлмайдиган ҳодисалар содир бўлиши (форс-мажор) сабабли юзага келган бўлса, жавобгар бўлмайдилар. Форс-мажор ҳолатлар юзага келганлиги ҳақида Томонлар бир-бирларини улар содир бўлган пайдан бошлаб 5 (беш) кун давомида хабардор қилишлари лозим.

10. Шартнома шартларини бажариш пайтида юзага келиши мумкин бўлган барча тортишув ва келишмовчиликларни Томонлар музокаралар ва келиштирувчи жараёнлар орқали ҳал қиладилар. Келишувга эришилмаган тақдирда, тортишув судда кўриб чиқиш учун берилиши мумкин (жавобгарнинг манзили бўйича).

11. Мазкур оммавий офертада олдиндан келишиб олинмаган шартлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

12. Ноширнинг Андижон шаҳридаги офиси манзили ва банк реквизитлари:

“Hamkor Press” МЧЖ.
Манзил: Андижон ш.
Бобур шоҳқўчаси, 53-уй.
Тел +(99878) 298-01-07
Х/р 20208 000 9 04349573 001
Hamkor xalqaro biznes markazi,
МФО 00083, СТИР 205102250,
ОКЭД 18130

Директор А. НАЗАРОВ.

“Hamkor press” ахборот-таҳлил газетасига 2022 йил учун оммавий офертасига №1 илова

Буюртма-нома-АКЦЕПТ № “ ” 2021 й.

1. _____
(Обуначининг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтканлик гувоҳномасига мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган (тўлиқ номи))

_____ асосида амал қилувчи
Ҳужжат (таъсис шартномаси, устав, низоом ва б., ишончномалар)

_____ (Обуначининг ваколатли вақилининг Ф.И.Ш. (тўлиқ) унинг лавозими)

“Hamkor press” ахборот-таҳлил газетасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 17-сонида эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2022 йил учун қуйидаги нашрларига обуна бўлади:

Нашрнинг номи	2022 йил учун обуна нархи (етказиб бериш билан).	Нусхалар миқдори (дона)	Умумий сумма, сўм.
“Hamkor press” ахборот-таҳлил газетаси	120 000 сўм		

2. Тўлаш учун сумма _____ сўмни ташкил қилади.
(Рақамлар ёзув билан кўрсатилади)

3. Етказиб бериш учун манзил: почта индекси, вилоят, шаҳар, кўча _____, уй № _____
(шаҳарча, хўжалик, қишлоқ, кўча, даҳа, мавзе, уй, кв., хона)

4. Обуна реквизитлари:
СТИР: _____ ХХТУТ: _____
Почта манзили: _____
Телефон: _____ ФАКС: _____
Х/рақам №: _____
Хизмат кўрсатувчи банк: _____
Банк коди (МФО): _____ / _____
(Ваколатли шахс имзоси) (Ваколатли шахс Ф.И.О.)

"HAMKOR PRESS"GA 2022 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

Ҳаёт ҳақиқатлари

Ажойиб тақдирлар

Маънавият сабоқлари

Кулги бекати

Олам синоатлари

Рақамлар тилга кирганда...

Пиру бадавлатларимиз мероси

Рекордлар, бошқотирмалар

Етти иқлимдан дараклар

Саломатлик хазинаси

Спорт майдонларида

каби рукнлар ва ўзингиз ёқтирган мавзуларда мақолалар ўқишни истасангиз, 2022 йил учун обуна бўлинг. Бўш вақтингизни мазмунли ва мароқли ўтишида газетамиз сизнинг севимли суҳбатдошингизга айланади.

Обуна бўлишга шошилинг!

Банк тармоқларида



Республикаимизда тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши молия муассаларига бўлган талабни оширмоқда. Бугун ҳар бир мижоз ўзи учун қулай, хизмати ишончли ва тезкор банкни танлаяпти. Ҳамкорлик бора-сида икки тараф зиммасидаги масъулият ортиб борапти.



“ПОЙТАХТ”

ХИЗМАТИНГИЗДА

Шу йилнинг январь ойида “Hamkorbank” АТБнинг “Пойтахт” банк хизматлари офисини ташкил этишда айни шу сифатлар эътиборга олинган. Банклар орасида унинг ўз ўрнини топиши учун бор имконият ишга солинди. Кадрлар танлашда ҳам талаб қаттиқ қўйилди.

— Очиғи, илгари бу муассаса мустақил бўлмагани учун ривожланиб кетмади, — дейди БХО раҳбари Шароф Азиев. — Пойтахтда банклар кўп. Бу мижозда танлаш имконияти катта эканини кўрсатади. Биз ишни рақобатчиларни ўрганишдан бошладик. Мижозларнинг олдида ўзимиз кириб бордик. Мавжуд имкониятлар ва уларга бўлган эътибор билан таништирдик. Тадбиркор учун вақт энг қадрли. Шу сабаб тезкорликни талаб қилади. Айни шу масалада бошқа банкларга қараганда устунлигимизни кўрсата олдик.

Ҳаракатлар жуда тез самарасини кўрсатди. Дилшодбек Абдувакилов раҳбарлигидаги “Rainbow triko tekstil” масъулияти чекланган жамияти янги БХОнинг биринчи мижози бўлди. У билан ишлашда шаффофлик ва мижоз манфаатини ҳамма нарсдан биринчи қўйиш асосий шарт сифатида белгиланди. Натижада банкка бўлган ишонч ҳам мижозлар сони ҳам ортди.

Ўтган саккиз ой давомида эришилган натижалар узоқ йиллик тажриба давомида қўлга киритилган ютуқлар

каби рақамларда акс этмоқда. “Пойтахт” мақоми ва хизматлар кўлами жиҳатидан филиал даражасида, десак муболаға бўлмайди. Юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги банк хизматлари йўлга қўйилган. 50 та юридик ва 400 дан ортиқ жисмоний шахслар доимий ҳамкорга айланди. 3500 млн. сўм миқдорида депозит маблағлари қабул қилинди, 1000 дан ортиқ пластик карталар очилди. Кунига 200 нафар мижозга турли банк хизматлари кўрсатиляпти.

Банк фаолиятининг асосини кредит ташкил этади. Бу борада ҳам мазкур БХОдаги натижалар кўнгулдагидек. Шу кунгача юридик мижозларга 11 миллиард 600 миллион сўм, 275 нафар жисмоний шахсга 9 миллиард 620 миллион сўм кредитлар тақдим этилди. Бу шунча мижоз билан ҳамкорлик йўлга қўйилганини кўрсатади.

Албатта, юқорида таъкидланганидек, республикаимиз пойтахтининг марказида жойлашган кичик молия муассасаси фаолиятининг илк давриданок бошқа банклар билан рақобатга кириша олди. 500 метрлик ҳудудда жойлашган 4 та банк билан ўзаро рақобатдош бўлиш ва мижозлар эътиборини қозониш ўз ўзидан бўлмайди. Асосийси, мижоз мижозни бошлаб келмоқда.

Акбаржон НАЗАРОВ.
Бекзод МУТАЛЛИБОВ
олган суратлар.

“EVEREST” бренди остидаги қурилиш материалларининг бозори чаққон. Харидорлари бутун республика бўйлаб топилади. Бу юқори сифат натижаси.

Корхонамиз ўз фаолиятини бундан 11 йил аввал шифер ишлаб чиқариш билан бошлаган. Ҳозирги кунга келиб унинг қаторига цемент, асбест қувурлари, металл труба, профиллар, замонавий композит шиферлар, шиша ва ойна тола ҳамда арматура каби қурилиш ашёлари ҳам қўшилди.

Маҳсулотларимиз юқори технологиялар ёрдамида тайёрлангани учун кўришни ва сифати билан тубдан ажралиб туради. Масалан, Россия технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган шиферлар 50 йилгача бемалол хизмат қилади, турли таъсирларга чидамли. Жаҳон стандартларига мос келувчи металл труба ва профилларга ҳам шундай баҳо бериш мумкин.

Биз нафақат ички, балки, ташқи бозорда ҳам муваффақият қозониш мақсадини кўзлаганмиз. Биргина металл труба ва профил заводимизнинг ўзига 5 млн. доллар инвестиция жалб қилиш орқали маҳсулот ҳажмини 60 минг тоннага етказдик. Бу маҳсулотларнинг бир қисми экспортга йўналтирилади.

Айни пайтда “Everest” таркибидаги корхоналарда жами 600 га яқин ишчи ходимлар меҳнат қилмоқда. Улар бепул иссиқ овқат, ётоқхона, кунлик тиббий кўрик билан таъминланган. Яқин кунларда эса ишга келиб кетувчилар-



“EVEREST” БРЕНДИ ОСТИДА

га қулайлик яратиш мақсадида бир қанча йўналишларда транспорт ташкил этмоқчимиз.

Малакали мутахассисларни бирга ишлашга таклиф қилиш билан чегараланиб қолмай, кадрларни ўзимизда тайёрлаш тизимини ҳам йўлга қўйганмиз. Мақсад — аҳолини сифатли қурилиш ашёлари билан таъминлаш ва ҳаёт фаровонлигини ошириш.

Сервис хизматларини ҳам юқори даражада ташкил этдик. Маҳсулотларимиз ўз харидорларига қулай усулларда етказиб берилади. Энг муҳими, ёнимизда режа ва мақсадларимизнинг амалга ошишида ҳамisha ҳаммаслақ ҳамкоримиз “Hamkorbank” бор. Биз бу банкнинг Аска филиалига 11 йилдан буён мижозмиз. Ҳамкорлигимиз давомида банк билан бир неча марта лизинг ва кредит шартномаларини имзоладик. Насиб қилса, келгусида биргаликда катта лойиҳаларни амалга оширамыз

Авазбек НАСРИДДИНОВ,
корхона иш юритувчиси.

ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИМИЗНИ ТОПАМИЗ

Пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқарувчи “Gulistan Gold Yarn” масъулияти чекланган жамияти 2014 йилдан бошлаб фаолият юритиб келмоқда. 2016 йилдан “Hamkorbank” АТБнинг Гулистон филиали мижози ҳисобланади.

Корхонамизга 2 млн. 602 минг АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит ҳисобига янги, замонавий дастгоҳлар сотиб олдик, қаддимизни ҳам тикладик, ривожландик. Ўша кезларда 50 нафар ходим билан фаолият юритганмиз. Ҳозирда 200 дан ортиқ ишчи-ходим бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Уларнинг 120 нафарини ёшлар ташкил қилади.

Ўтган йили ишлаб чиқариш қувватининг 200 фоизга ошиши — жамоамизнинг аҳил ва бирдамлиги самарасидир. Маҳсулотларимизни Россия, Туркия, Польша, Хитой ва Покистон каби давлатларга экспорт қилаётганимиз мақтанишга арзирли. Даромад ҳам шунга яраша ишчи-ходимларнинг турмуш фаровонлигининг асоси бўлмоқда. Рағбатлантириш бор жойда иш унумининг самараси юқори бўлишини раҳбарлик қилиб билдим.



Жамоамизни бир оилага қийёсламан. Байрамларни кўтаринки руҳда нишонлаймиз. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча шаҳарлари, тарихий обидаларини кўриш, муқаддас жойларига саёхатлар уюштириш, табиат қўйнида дам олиш тадбирларини ташкил этиш анъанага айланган. Кайфият яхши бўлган жойда ўсиш, ривожланиш бўлади.

Мақсадларимиз бисёр. Тадбиркорлигимизни кенгайтириш ва маҳсулотларимизни тўла жаҳон бозорида сотиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, халқимиз фаровонлиги, юртимиз ривожига ҳисса қўшишни режалаштирганмиз.

Акмалжон ДУШАБАЕВ,
“Gulistan Gold Yarn”
МЧЖ раҳбари.

Муҳаммаджон Тўланбоев “Hamkorbank” АТБнинг Фарғона минтақавий филиалида компьютер мутахассиси бўлиб ишлаётганида фаол ва масъулиятли эканлиги билан эътиборимизни тортган эди. Бош банкнинг Ахборот хавфсизлиги хизмати ходимига айлангач, унинг яхши мутахассис эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Фикрлари ҳам бўйи каби баланд, жуссаси каби залворли. Ўз касбини севувчи, ҳамкасбларининг меҳнатини қадрловчи бу йигитнинг қарашлари қуйидаги сатрларда акс этди.

“МАБЛАҒЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЗИММАМИЗДА”

ИСТАДИМ ВА ЭРИШДИМ

“Hamkorbank”да кадрлар танлови ўтказилиши менга ўзимни синаб кўриш имкониятини берди ва омадим чопиб, банк ходимига айландим.

Болалигимда техник қурилмалар, электрон асбобларга қизиқишим кучли бўлган. Иқтисодиёт йўналишидан кетишни истаганман. Ахборот технологиялари университетида таҳсил олиб юрган пайтларимда эса иқтисодий соҳада ишловчи ходимларнинг хавфсиз ҳамда қулай ишлашини таъминловчи дастур яратиш фикри туғилди. Шукрки, ниятларимга етдим. Орзуларимнинг энг баланд чўққиси — юртимизда Ислом молиясига асосланган тўлиқ рақамли банкни кўриш ва унга ўз ҳиссамни қўшиш.

СОҲАМНИНГ АҲАМИЯТИ

Жамоамиз катта эмас, тўрт нафар ходимдан иборат. Ҳожиакбар Солиев раҳбарлигидаги бўлимимизнинг вазифаси банк маблағлари ва банк ҳамда мижозларга тегишли конфиденциал маълумотларни турли хатарлардан ҳимоя қилишдан иборат. Битта вирус бутун бошли фаолиятни тўхтатиб қўйиши мумкин. Шу боис касбимиз юқори билим, диққат-эътибор ва зийракликни талаб этади.

Банкимиз ходимлари ва мижозларни хавфсиз иш фаолияти билан таъминлаётганимиз баъзида фахрланиш ҳиссини беради. Аммо ҳеч қачон ўз ишимиздан қониқиб, безэтибор қолиб кетмасли-

гимиз керак. Тизимни тўлиқ хавфсиз деб ҳисоблаш учун муҳим ва эътибордан четда қолган ҳамда ҳужумга бардошсиз бўлган ҳудудларни аниқлаб топиш зарур. Шунингдек, банк ходимлари ва мижозларга ахборот хавфсизлиги бўйича тушунчаларни етказиш ҳам муҳим ҳисобланади.

КЎПЧИЛИК БИЛАН ИШЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Табиийки, жамоада ишлаш ҳамкасбларнинг фикрини инобатга олган ҳолда иш олиб бориш демакдир. Обру топиш учун таклифлар беришга қодир, юзага келадиган муаммолар ечимига фикр бера оладиган шахс сифатида шаклланиш лозим. Атрофдаги ҳамкасбларга эътиборли бўлиш ва ишни адолатли ташкил қилиш жамоа аҳил-иноқлигининг асоси деб биламан. Менимча, менталитетимизга хос бўлган каттага ҳурмат, кичикка иззат тамойилига амал қилсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

ИМКОН БЕРИЛСА...

“Лаборатория Касперского” АЖ ёки “Google” корпорациясида ишлаб кўрган бўлардим. Уларнинг қандай қилиб қисқа вақт ичида дунё бозорларини эгаллагани ҳамда кучли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиққани жуда қизиқ.

ФЕЪЛ-АТВОРНИНГ ТАЪСИРИ

Ҳар қандай ҳолатда муаммоларни ижобий кайфиятда ҳал қилишга интиламан. Танқидларни ўринли деб билганим ва ишдан қочмаслигим мутахассис ва шахс сифатидаги ўсишимга ўз таъсирини кўрсатяпти, албатта. Баъзан соҳамда ҳали ўрганишим керак бўлган билимларнинг кўплиги, зиммамга юклатилган вазифаларни охирига етказиш олмастлигим ҳамда тажриба етишмаслиги халақит бераётгандек туюлади. Лекин шу банкка келганимдан буён жуда кўп камчиликларимни бартараф этишга эришдим.

ЖАМОАМГА...

“Меҳнаткаш чумолилар” деган таърифни берган бўлар эдим. Чунки жамоадошларимда худди чумолилар каби бир тану бир жон бўлиб ишлаш, бирон озуқа топилса, кўпчилик бўлиб баҳам кўриш, оғир кунларда бир-бирини ташлаб қўймаслик ва чарчаш нима билмаслик каби сифатларни кўраман.

Н.ТЎХТАМАТОВА

Андижон шаҳрида транспорт кутиб диққатингиз ошмайди. Бир кўз очиб юмсангиз, қаршингизда “хизматингизга мунтазирмиз” дея бир нечта “Дамас” қаторлашиб турганини кўрасиз. Ҳатто “33” рақам остида ҳаракатланадиган мазкур русумдаги уловларга “Андижон метроси” дея таъриф берилган.

Андижон вилоят транспорт бошқармаси автомобиль транспортини ривожлантириш бўлими бошлиғи Акмал Асронов берган маълумотларга қараганда, 450 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган шаҳарда тахминан 6000 та “Дамас” йўловчи ташиш билан шуғулланади. Шундан 3000 таси “33” йўналишида, 2000 га яқини “222” рақами билан ҳаракатланади. Қолганлари бошқа йўналишларга қатнайди.

Айни кунларда шаҳар ҳудудида катта ва ўрта сифимдаги автобуслар қатновининг йўлга қўйилиши муносабати билан “Дамас”ларнинг сони анча қисқарди. Агар автобуслар сони янада ортиб, рақобатда ютиб чиқса, ўз-ўзидан “киракаш дамас”лар янада камаяди. Негаки, автобусларда йўл ҳақи атиги 1000 сўм. Бу нарх яқин орада ўзгармайди. Режадаги автобуслар қатнови йўлга қўйилса, йўллардаги ҳаракатлар осонлашади, тикилинчлар камайиб, хавфсизлик ва қулайлик таъминланади.

Ҳўш, шаҳарда 6000 та “Дамас” қаердан пайдо бўл-

насида келиб, “нон топаётган” ҳайдовчилар ҳам сабаб бўлмоқда.

Рақобат шу даражада кучли экан, “Дамас”ларда йўл ҳақи арзонми? Ҳозирда бу

бу “дамас”чиларнинг айримларида жамоат транспортида ҳайдовчилик қилиш малакаси ва маданиятининг етишмаслигидир. Шубҳа йўқки, аксарият “кира” учун йўлга

“АНДИЖОН МЕТРОСИ” АТРОФИДАГИ ГАПЛАР



ди? Яна А. Асронов маълумотларига таянадиган бўлсак, булардан фақат 1735 тасида йўловчи ташишга рухсат бор. Қолганлари лицензия муддати тугаган ёки ноқонуний равишда кирага чиққанлардир. Бошқа ишда ишлаб, бўш вақтида қўшимча даромад топиш билан шуғулланадиганлар ҳам кўпчиликти ташкил этади. Қолаверса, шаҳарда “киракаш”ларнинг кўпайишига туманлардан маши-

уловга бир марта тушиб чиқиш 3000 сўмни ташкил қилади. Масофага қараб нарх ошиб боради. Масалан, “33” рақамли “Дамас” бир томонлама ҳаракатда тахминан 12-13 км.га яқин масофани босиб ўтади ва бунинг учун 5 минг сўм йўл ҳақи олади. Ваҳоланки, туманлардан вилоятларга қатновчи “дамас”чилар 30-40 км. масофа учун 6 минг сўмдан баланд нарх қўймайди. Майли, бу ерда биз билмаган сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Аммо бошқа бир муаммо борки,

чиққан ҳайдовчилар белгиланган тезликдан баланд юради, мижоз талашади. Ёнидаги машиналарни қувлаб ўтади. Минглаб машиналарнинг мунтазам ҳаракати тикилинчларни, ҳаракатдаги носозликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, нарх устида йўловчи билан жанжаллашиш, арзимаган сабаблар учун уларга бақириб, беҳурмат қилиш, йўл қодаларига риоя қилмаслик ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин.

КУН МАВЗУСИ

Нима бўлганда ҳам, энг аввало, халқимиз жабр чекмаслиги, ўзи учун қулай нархдаги ва қулай транспорт воситасидан фойдаланиши керак. Уйлашимизки, йўллар ва жамоат транспортлари билан боғлиқ айрим муаммолар кун келиб, албатта, ўз ечимини топади. Келинг, сўзимиз охирида “киракашлар”нинг фикрига ҳам қулоқ тутаёлик. Улар нима дейди?

Жасур Азимов, “33” йўналишидаги ҳайдовчи:

— Бир неча йилдан буён шу иш билан шуғулланаман. Онам, аёлим, икки нафар фарзандим бор. Рўзғоримни шу йўл билан тебратаман. Бошқа жойдан келадиган даромадим йўқ. Харажатлардан ташқари, кунига 100 минг сўм пул топаман. Биласизми, шаҳарда кўпчилик эркакларнинг тирикчилиги шу. Ишсизлик муаммо эканини яшириб бўлмайди. Мана энди “Янги бозор” атрофида йўловчи олишимизга “ГАИ” ходимлари тўсқинлик қиляпти. Автобусларни қўйиб ташлашди. Бизни “кира”дан чеклашса, тирикчилигимиз қандай ўтади? Аввал бирон иш топиб бериб, кейин тақиқ қўйишсин. Бизни ўйлайдиган бирон мутасаддилар борми? Фикрлар турлича. Охири гапни мутасаддилардан эшитамиз.

Нигора МИРОЛИМ ҚИЗИ

Бугун сир эмаски, айрим ёшлар компьютер ёнида ўтириб, турли сайтлар орқали ўз жуфтларини топмоқда. Наҳотки, муҳаббат деб аталмиш буюк туйғу макон танламаса. Тили, дини, масҳаби, ёши ва қиёфасининг аҳамияти йўқ. Хорижлик бўлса бас, эр ёки хотин бўла-веради қабили мавжуд бўлиб қолди, гўё. Айрим ёшлар гўшангани орзу қилмаса, ёр-ёр садолари остида қизлар оқ либосни, йигитлар куёв сарполарини кийиб, кексаларнинг оқ фотиҳасини олишни истамаса? Илгари оналар яхши ниятлар ила фарзандининг болалигидан сандиғини сепу сидирға билан тўлдирган. Бугун кундалик ҳаётимизга осонгина кириб келган интернет тақдирларни ҳам осонгина ўзгартиряпти. Даҳшатлиси, ота-оналар бунга бефарқ, ҳатто ўзлари имкон беришмоқда.

Адиба институтда ўқиб юрган кезлари интернет орқали танишган йигитга турмушга чиқишини айтганида, ота-онаси рози бўлмади, кейинчалик эса “майли, ўзингни тутиб олгач, қайтарсан” деб рози бўлишди. У эртаклардаги каби сеҳрли диёр — Америкага бир ўзи учиб кетди. Отаси тенги бўлган ажнабийга турмушга чиқди. Икки фарзандли бўлди, уларни оёққа қўйди. Бу орада катта қалин пули олиб, бирдан нига бойиб кетган ота-она дилбандининг йўлига қўзлари нигорон оламдан ўтди. Молу давлат соғинч ўрнини босмади, армонда кетишди, жигарлари Адибани унутишди. Биргина дугонаси Наргиза билан баъзи-баъзида суҳбатлашиб турди. Бироқ бу суҳбатлар ҳам озайди. Бир хатида эрининг оламдан ўтгани, фарзандлари инглиз тилида гапириши, ҳатто фикрлаши, онаси юртини тан олмасликларидан ўкинганди. Бегона юрт, гарчи болалари бўлсада, унга бемехрдай экани, ёлғизлик қийнаётгани, қишлоғи, яқинларини соғиниши ўтган умрини ортага қайтаролмаслигини афсусланиб айтганди. Мана, баъзилар орзу қилган хориж.

Ғарбда турли сайтлардаги танишувлар ёлғиз кексалар ва имконияти чекланганлар учун яратилган. Уларнинг вақт ўтказиш ва ёлғизлигини ҳис этмаслик учун ўйлаб топилган. Аммо бугун бизда унинг моҳияти ўзгариб, оммалашди. Газета-журналларда бу каби танишувлар орқали турмуш қурганлар ҳақида ёзишмоқда. Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, кейинги пайтларда кўплаб юртдошларимиз чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ёхуд МДХга аъзо бўлган давлатлар фуқаролари

ХОРИЖГА ҚИЗ БЕРМАНГ...



билан турмуш қуриш истагида никоҳни қайд этиш бўлимларига мурожаат қилмоқдалар. Энг кўп мурожаатлар Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Германия, Исроил, Бирлашган Араб амирликлари, Эрон каби давлатлар фуқароларига бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ ФХДЁ органларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг МДХ мамлакатлари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳни қайд этиш умумий тартибда амалга оширилади. Бунда хориж фуқароси никоҳ тузиш учун ариза берган пайтида Ўзбекистон ҳудудида доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидан қонуний рўйхатдан ўтган

бўлиши лозим. Тегишли орган ходимлари буни тасдиқлагандан сўнггина никоҳ қайд этилади.

Айрим ҳолларда чет эл фуқаролари фақат никоҳни тантанали қайд этиш учунгина қисқа муддатга келадилар ва виза муддатини узайтириш имкони йўқлиги боис тезроқ никоҳ тузишга рухсат берилишини сўрайдилар. Айрим ҳолатларда элчи-хоналар томонидан берилган аккре-

Компьютер технологиялари-ни билиш ва сирлашиш, дунё аҳли ҳаётдан воқиф бўлиш, замон билан ҳамнафас яшаш яхши. Аммо, севги, муҳаббатни ҳам интернетдан топиш дегани эмас-ку. Ёш йигит-қиз учун бу каби танишувларнинг нима зарурати бор? Уларнинг дарс тайёрлаш, китоб ўқиш ўрнига вақтларини кўнгилхушлик учун сарфлаётгани ачинарли. Айрим йигитлар қизлар номидан қизлар эса йигитлар номидан суҳбатга кириши...

Ҳар бир инсон миллати, ирқи, қавмидан қатъий назар, оила мустақамлиги тарафдори. Бахтни осонгина топмоқчи бўлганлар ада-

Бошқа - бошқа шароит-да ўсган икки инсоннинг жуфт бўлиб яшаш катта сабр ва жуда катта ирода талаб қилади. Бугун панд-насиҳат, тарғибот эскирди деган гапга қўшилмайман. Биз танглайи яхши сўз, тарбия билан кўтарилган халқмиз. Овоз етган жойгача оиланинг муқаддаслигини, фарзандлар камоли жамиятимиз келажagini белгилашини тақдорлашдан чарчамаймиз. Бахтни, жуфтимишни хориждан эмас, ўзимизнинг ораимиздан танлашимиз лозим.

шадилар. Ҳар юртнинг ҳам тоштарозиси бор. Балки, бу режали муҳаббат, қандайдир мақсад учун тузилган никоҳ йиллар ўтгач турмушнинг муштира бардоши етмаганларнинг бахтсизлигига сабаб бўлар? Ёшлар шу даражада “илғорлашиб” кетди. Биз билган Тоҳир ва Зухра, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнунларнинг муҳаббати чинданда эртақка айландими?..

Феруза ОРИПОВА,
Тошкент.

БИЛАСИЗМИ

деб эътироф қилинганда, у табассум билан “Хўш, нима бўпти?” деб жавоб берган. Сара Кнаусс АҚШ иштирокидаги 7 та урушнинг гувоҳи бўлган. Унинг ягона қизи Кетрин ҳам узоқ яшаган кишилар қаторига кириб, 2005 йилда 101 ёшида вафот этди.

Канэ Танака - 118 ёшда

2018 йилда япониялик Канэ Танака ҳозирда яшаб келатган барча одамларнинг энг кексаси деб эътироф этилиб, Гиннсинг рекордлар китобига киритилган. У 2021 йилнинг январь ойида 118 ёшга тўлди. Бу аёл жуда мураккаб ва воқеаларга бой ҳаёт кечирди. У Иккинчи Жаҳон уруши йилларида турмуш ўртоғи билан нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган дўконда ишлаган. 46 ёшида ошқозон ости беши саратонини мағлуб этди ва 63 ёшида нафақага чиқди. Ҳозирда у қариялар уйида яшайди ва шеър ёзишни яхши кўради. Ундан қачонгача яшашни хоҳлашини сўрашганда, у “яна 5 йил”, деб жавоб беради.

Эҳтимол, келажакда одамлар 400 йил ва ундан кўпроқ умр кўриши мумкиндир ва бизга илм-фан тараққиёти ёрдам берса, ажабмас.

Баҳора МУҲАММАДИЕВА тайёрлади.

100 ЙИЛДАН ОРТИҚ ЯШАГАН МАШҲУРЛАР

XX асрда дунё таниган, юз йилдан ортиқ яшаган кишилар ҳақида маълумотлар талайгина. 100 йил ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ яшашга муваффақ бўлган энг машҳур кишиларни биласизми?

Жанна Кальман – 122 йил яшаган

Франциялик бу хоним 1875 йилда туғилган ва 1997 йилда 122 ёшида вафот этган. У Ер юзида энг узоқ умр кўрган аёл, деб эътироф этилган. Бу аёл бутун умрини ўзи туғилган Арль шаҳрида ўтказган ва камдан-кам ҳолларда ўз ватанини тарк этган. Ҳаётида кўп мева, зайтун мойи солинган овқатларни истеъмол қилган. Эҳтимол, бу унинг узоқ умр кўриши сиридир. Бунинг устига у 100 ёшигача велосипед миниб, қиличбозлик билан шуғулланган.



Жон Смит - 138 йил умр кўрган

Дунёда яна бир кекса одам 1800 йилларнинг охири, 1900 йилларнинг бошларида Меннесота штатида яшаган, ожибве ҳиндулари қабила бошлиғи, тубжой америкалик Оқ Бўри лақабини олган Жон Смитдир. Тахминларга кўра, у ҳозиргача энг узоқ умр кўрган кекса ҳинду бўлиб, 138 йил яшаган. Жон дунёга машҳур “открытка”лар учун суратга тушган. Ҳаёти давомида унинг саккизта хотини ва битта фарзанди бўлгани маълум. Жон Смит 1922 йилнинг 6 февралда пневмониядан вафот этган.



Сара Кнаусс - 119 йил яшаган

Сара Кнаусс 1880 йилнинг 24 сентябрида туғилиб, 1999 йилнинг 30 декабрида 119 ёшида вафот этган. У АҚШнинг Пенсильвания штатида узоқ вақт суғурта менежери бўлиб ишлаган. 117 ёшида ўз даврининг энг узоқ умр кўрган киши,



Ҳаётимиздаги барча муҳим ҳодисаларнинг яхши ниятлар билан бошланиб, муваффақиятли якунланиши кишиларга байрам кайфиятини бағишлайди. Аждодларимиз қадимдан табиат уйғонишини, далаларда иш бошланишини Наврӯз ("Йил боши") сифатида тантана қилганлар. Ўсимликлар дунёсининг ўсишдан тўхтаб, "уйқуга кетиши" ва меҳнат мавсуми якунланишини "Меҳржон" ("Йил ярми") деб нишонлаганлар. Бу байрамлар коинот, табиат қонуниятлари, Қуёш ва Ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Жумладан, Наврӯз баҳорги кун-тун тенглигини қайд қилса, "Меҳржон" куздаги ўша ҳолатни ўзида мужассам қилганлиги билан эътиборга молик.

"МЕХРЖОН"

Олис ўтмишнинг қутлуғ айёми кейинги минг йил ичида алоҳида байрам сифатида нишонланмай қўйилган бўлсада, бутунлай йўқолиб кетмади. Куз ва ҳосил байрамларига бўлиниб асрий ғояларини сақлаб қолди. Зиёлилар, мафкура аҳли, маданият намояндалари уни қайта тиклашни ўртага ташладилар. Мустақилликдан сўнг уларнинг саъй-ҳаракатлари билан қадимий "Меҳржон" айёми Ўзбекистонда ўзига хос тарзда ўтказиляпти. Пойтахтимиздаги Марказий болалар истироҳат боғида ҳар йили куз фаслида байрам тадбири ташкилла-

штири-
лаётгани
б у н и н г
ёрқин мисо-
лидир.

Кейинги йилларда турли ўқув даргоҳлари, таълим-тарбия муассасаларида, чунончи умумтаълим мактаблари, болалар боғчаларида

"Меҳржон" алоҳида эътибор билан нишонланаётгани кишини қувонтиради.

...Файзли болалар боғчасининг ҳовлиси байрамона безатилган. "Капалакча" ва "Қуёнча" гуруҳлари болажонлари ўзларининг куз фасли ҳақида тайёрлаган сахна кўринишларини завққа тўлиб намойиш этишди. Гуруҳ тарбиячилари болажонларга куз неъматлари саналган меваю сабзавотларни намойиш этишиб, уларнинг фойдали хусусиятлари ҳақида тарбияланувчиларга сўзлаб беришди. Кичкинтойлар олтин куз фаслига хос табиат тасвирларини, бу вақтда пишиб етилаган меваю сабзавотларни турфа рангли бўёқларда чизиб тасвирлашди. Эртак қаҳрамонларининг сахна чиқишлари байрамга янада шуқуқ бағишлади.

Ҳа, бобо-момоларимиз қолдирган буюк мерос — "Меҳржон" бу кун яна бағримизга қайтмоқда. Олтин кузнинг саховатини, бободехқонларимизнинг яратувчилик меҳнатини, дастурхонларимизнинг тўкин-сочинлигини ўзида жамулжам қилган, асрлар силсила-сида ардоқланган айём тоабод боқий бўлиб қолаверсин.

Ҳ. РАШИДОВ.

ТАВСИЯ

Қуруқ мевада янги узилган мева-нинг барча фойдали хусусиятлари сақланиб қолади. Шу тариқа, бизда фойдали моддалардан нафақат ёзда, балки йил бўйи баҳраманда бўлиш имкони бор.



ФОЙДАЛИ ҚУРУҚ МЕВАЛАР

Қуритилган хурмо иш қобилиятини оширади. Қўшимча фойдали моддаларга эга бўлгани туфайли, шамоллаш ва бош оғришида оғриқни қолдирувчи восита сифатида қўлланилиши мумкин. В5, Е, Н каби витаминларга жуда бой бўлган ҳолда, хурмо қоқи иммун тизимини мустаҳкамлайди ҳамда кишини фаол ва хушчақчақ тарзда ўтказишда ёрдам беради.

Қуритилган нок ичак фаолиятига ижобий таъсир ўтказди, организмдан токсинлар ва оғир металлларни чиқариб ташлайди.

Ўрик туршаги калийнинг тенгсиз манбаидир; юракка яхши таъсир қилади ва онкологик касалликлар профилактикаси учун ажойиб восита ҳисобланади.

Қуритилган анжир қалқонсимон без фаолиятини нормаллаштиради, организмдан паразитлар чиқиб кетишига таъсир кўрсатади. У саратон ҳужайралари ривожланишининг олдини олади, терини витамин ва микроэлементлар билан таъминлайди.

Олхўри қоқи ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилашда ажойиб воситадир. Қабиъатдан халос қилади ва овқат ҳазм қилиш жараёнини тартибга солади. Шунингдек, гипертониядан азоб чекадиган, юрак ва жигар билан боғлиқ муаммолари бўлган кишилар учун ҳам айна муддаодир.

Майиз яхшигина антидепрессантдир, қалқонсимон без касалликларида ёрдам беради.

Қуритилган олча эркин радикаллар ҳаракатини нейтраллаштиради ва терини ёшартириш хусусиятига эга.

Уч ҳамкасб доимо бирга юришар, бирга тушлик қилишар, доимо ҳар не юмушни ҳамжиҳатликда амалга оширишарди. Бошқа бирга ишлайдиганлар уларни русчасига "Великолепная тройка" (Ажойиб учлик), деб аташарди. Уччала ўртоқнинг ҳамкорлиги шу даражага етдики, баъзан қай бирлари ёнларида бўлмаса, еганлари ичига тушмайдиган бўлди.

Кунларнинг бирида уччалари тушлик қилаётган эдилар. Ёши каттароқ Абду-жамил ўртага ажойиб таклифни ташлади.

— Бизнинг бир-биримизга меҳримиз тобора ортаётганидан ишхонадагилар ҳам ҳавас қилишяпти. Шу дўстлигимиз абадий давом этиши учун, келинлар, қиёматли дўст бўлайлик. Нима дейсизлар?

Қолган иккиси бир-бирига қарашди. Давра бир дам сукунатга чўмди. Жимликни Муҳаммаджон бузди. У Абду-жамилдан сал кичикроқ, Насибуллодан каттароқ эди. Насибуллонинг жим туришидан ўзи гапириши кераклигини тушунди, шекилли, сўз бошлади.

— Маъқул. Зўр бўларди. Шундай ҳам, мана, неча йилдирки, биргамиз. Фақат уйимизга кетгандагина айриламиз бир-биримиздан. Унда, менимча, янада яқинроқ бўламиз... Қани, қўл ташланглар...

У қўл узатди. Абдужамил ҳам. Насибулло эса йўқ.

— Ҳа, нега сен қўл узат-

маяпсан?

Деярли иккови тенг шу саволни беришди.

— Гапим ёқмадимми, - сўради Абдужамил.

— Ёқди. Нега ёқмасин? Фақат...

— Нима, фақат?... Бундоқ очикроқ гапиргин...

Насибулло икковига қаради. Кейин пиёлада совуб

маяпсан?

Деярли иккови тенг шу саволни беришди.

— Гапим ёқмадимми, - сўради Абдужамил.

— Ёқди. Нега ёқмасин? Фақат...

— Нима, фақат?... Бундоқ очикроқ гапиргин...

Насибулло икковига қаради. Кейин пиёлада совуб

маяпсан?

Деярли иккови тенг шу саволни беришди.

— Гапим ёқмадимми, - сўради Абдужамил.

— Ёқди. Нега ёқмасин? Фақат...

— Нима, фақат?... Бундоқ очикроқ гапиргин...

Насибулло икковига қаради. Кейин пиёлада совуб

маяпсан?

Деярли иккови тенг шу саволни беришди.

— Гапим ёқмадимми, - сўради Абдужамил.

— Ёқди. Нега ёқмасин? Фақат...

— Нима, фақат?... Бундоқ очикроқ гапиргин...

Насибулло икковига қаради. Кейин пиёлада совуб

маяпсан?

Деярли иккови тенг шу саволни беришди.

— Гапим ёқмадимми, - сўради Абдужамил.

...Қадим замонларда икки дўст бўлган экан. Улар шу даражада яқин қадрдон эканларки, одамлар уларни ака-ука, деб ўйлашаркан. Иккаласи қиёматли дўст бўлишга онт ичишибди. Орадан йиллар ўтибди. Кунлар келиб, иккови ҳам ёруғ оламни тарк этишибди. Қиёмат кунда дўстлардан бири

Шуларни хаёлдан кечираркан, жаннатга йўлланма олгани Аллоҳ таолога мурожат қилибди.

— Эй, Аллоҳи қарим! Бизлар ёруғ дунёда ўзингнинг ризолигинг учун қиёматли дўст бўлишга онт ичганмиз. Ҳозир мени жаннатга, уни эса дўзахга ҳукм қилдинг. Менга усиз жаннат керакмас.

ҚИЁМАТЛИ ДЎСТЛАР

Маҳшар кунда бир хил мукофот оладилар

қолаёзган чойдан хўплади. Сўнг...

— Қиёматли дўст бўлиш қандай маънога эгалигини биласизларми? Буниям ўзига хос таърифи бор экан, — деди оҳиста.

— Яна қанақа таъриф?

— Ғудранди Абдужамил. — Қиёматли дўст, дегани янаям қадрдонроқ бўлиш, деганида...

Тўғрими, Муҳаммаджон?

— Ҳа, — дея зўр-базўр жавоб берди у.

— Йўқ, — деди Насибулло. — Мен ҳам аввал шундай ўйлардим. Ундай эмас экан...

— Қандай экан унда?

Насибулло томоқ қирди, яна чой хўплади.

— Яқинда бир китобда ўқиб қолдим. Унда бир ривоят келтирилган экан. Айнан қиёматли дўстлар ҳақида. Айтиб берайми?

Иккала дўст розилик маъносида бош иргашди.

— Хўп. Эсимда қолганча айтиб бераман. Эшитинглар...



номаи аъмолини ўнг томондан ва ўнг қўлдан олиб, жаннатга кириш билан мукофотланибди. Иккинчиси эса дўзахга ҳукм қилинибди.

"Дўстим ҳам жаннатга кирса, бирга кетамиз", деб кутиб турган биринчиси бунини кўриб, ҳайрон бўлибди. "Ие, нега бундай бўлади? Ахир, доим иккимиз бирга эдик. Аллоҳ учун қиёматли дўст бўлганмиз. У дўзахда азобланса, менга жаннатнинг роҳату лаззатлари татирмиди?..."

Парвардигори олам, ўзинга осон, дўстимни менинг ўрнимга жаннатга киргиз... Мен эса, майли, дўзахга бораман...

Аллоҳ таолонинг буйруғи билан ҳукм ўзгартирилибди. Энди иккинчиси жаннатга, биринчиси дўзахга киради-ган бўлибди.

Мўъжизани қарангки, энди иккинчи дўст "жаннатга кирмайман", деб оёқ тираб, туриб олибди.

— Ахир, мен киришим керак эди дўзахга. Дўстим у

ИБРАТ

ерда менинг ўрнимга азобланса, оловда ёнса, менга жаннат татирмиди? Эй, Аллоҳим, мени кечир, аммо жаннатга дўстимсиз кирмайман. Майли, мен ҳам жаҳаннамга кира қолай... У қаерда бўлса, мен ҳам ўша ердман...

Уларнинг бир-бирини авайлаши, меҳр-муҳаббатларини кўриб, Аллоҳ таоло фаришталарга қарата шундай дебди:

— Бир-бирларига муҳаббати ҳурмати, иккисини ҳам жаннатга киритинг. Улар шунга лойиқдирлар...

...Насибулло ривоятни тугатди-ю, дўстларига қаради. Уларнинг иккиси ҳам ерга боққанча жим туришарди.

— Мана, қиёматли дўст бўлишнинг таърифини билиб олдингиз... Бу жаннатга кирар чоғида дўстининг ўрнига дўзахга киришга рози бўлиш ҳам, дегани экан. Мен таклифингизга розиман. Келинлар, қиёматли дўст бўламиз...

У шундай деди-ю, қўл узатди. Аммо қўли ҳавода муаллақ қолди. Абдужамил ҳам, Муҳаммаджон ҳам сукутга чўмишган эди. Балки, улар қиёматли дўст бўлишнинг залворию масъулиятини тушуниб етишгандир... Ёки Маҳшар кунда ўзлари ҳам шундай қила олишларига имонлари комил бўлмади-ми? Ким билади, дейсиз...

Нажмиддин ИКРОМИЙ,
Анджон.



да ажиб бир шукуҳ, сурур, шу билан бирга шукроналик ҳислари зухурланади. Яқин вақтларгача у "Шу касбни танлаб тўғри қилдимми, турган-битгани машаққат-ку?! Кўпчиликнинг кўнглини олиш осонмас, ахир!" дея иккила-ниб қоларди. Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги, касбига бўлган меҳру муҳаббати барчасидан устун келди.

"Hamkorbank" АТБ Бухо-

таомларнинг ранг-баранг, мижозлари талаб-истагига мос бўлишига интилишади.

Нафақат миллий, балки, машҳур хориж таомларини ҳам пиширишни ҳадисини олган Д. Умурова аслида юридик коллежни тамомлаган. Аммо...

— Турмушга чиққач, касбимни ўзгартиришга тўғри келди, — дейди у. — Бунга ҳаёт дейдилар. Хуллас, дипломни бир четга қўйиб, банкнинг ишчи-ходимларидан бирига айландим-қолдим. Танловимдан асло хафа эмасман. Ишим ўзимга ёқади. Айниқса, қилган меҳнатларинг учун миннатдор бўлишса, қувониб кетсан киши. Филиалимиз жамоасининг ишончи менга туганмас куч-қувват беради.

Унинг самимият уфуриб турган сўзларини эшитарканман, каттаю кичикнинг дилини яйратган "Ошпаз қўшиғи"нинг шўх оҳанглари борлиқни кучгандай бўлди гўё:

**Ошпазлик касби корим,
Меҳнатим ифтихорим.
Куймасин деб тагини, тагини,
Пасайтирдим оловни.
Тезроқ пишиб чиқсин деб,
чиқсин деб,
Дамлаб қўйдим паловни...**

Бухорои шарифга йўлингиз тушгудай бўлса, албатта "Hamkorbank"нинг Бухоро филиалига, аниқроғи, унинг ошхонасига бир зумга бўлсада кириб ўтинг. Дилнозахоннинг тайёрлаётган таомларидан истаганингизни тотиб кўринг. Кетган вақтингизга асло ачинмайсиз.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

... Тушликни тамомлаб, ўрнидан қўзғалган банк ходимлари елиб-югуриб хизмат қилаётган, ғайрат-шижоати хатти-ҳаракатидан сезилиб турган ошпаз аёлга одатдайд миннатдорлик билдиришди:

— Дилноза опа, мазали тушлик учун сизга катта раҳмат! Бугунги тайёрлаган овқатларингиз ҳар кунгидек зўр!

— Сизнинг таомларингиз кишига ёқимли қувват, ҳузур бахш этади. Қўлингиз дард кўрмасин.

— Пиширган овқатларингиз Европадаги машҳур ресторанларникидан асло қолишмайди. Яхшиям, сиз бор экансиз, йўқса, ширин таом

тайёрлаган таомлар машҳур ресторанлардагидан қолишмайди

қанақалигини билолмай юраверардик.

Бундай эътирофларга нисбатан Дилноза Умурова қўлини кўксига қўйиб, "Еганинлар ош бўлсин, хуш кўрдик", деганча жилмайиб қўяди. Бироқ кўнглининг туб-туби-

ро филиали хўжалик бўлимида ошпаз (ҳозирда шу мақомдаги катта ишчи) сифатида иш бошлаганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлсада, тездаёқ каттаю кичикнинг эътиборига тушди. Доим ошхонада яратувчилик меҳнати билан машғул пазанда шериги ҳамкорлигида

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Футбол қироли 80 ёшли Пеле ҳамон соғлигидан азият чекмоқда. Гарчи қизи унинг ҳолати яхшиланганини айтиб, оммани ишонтираётган бўлса-да, аслида ҳали муаммолар бартараф этилгани йўқ. Собиқ футбол юлдузи 4 сентябрь куни йўғон ичакдаги ўсма туфайли операция қилинган эди. Жарроҳлик муваффақиятли кечиб, бемор ўзига келди. Аммо 17 сентябрь куни Бразилия оммавий ахборот воситалари Пеленинг яна жонлантириш бўлимига ётқизилгани ҳақида хабар тарқатди.

ПЕЛЕНИНГ АҲВОЛИ ОҒИР...

Бунга организмда кислота оқимининг ошқозондан қизилўнгачга тескари чиқиши сабаб бўлган. Бу ҳолат кўкракнинг пастки қисмида ёниш, ловуллаш каби ҳисларни келтириб чиқарган. Шундан сўнг унинг қизи Келли Насименто вазиятга изоҳ берди: "Тўғри, отам ёмон аҳволда эди. Аммо ҳозир ҳам одатдаги тезкор тикланишда давом этмоқда. Бу каби операциялар кекса ёшдаги кишилар учун оғир кечиши табиий".

Пеле сўнгги йилларда доимий равишда даволанмоқда. У депрессиядан, инфекциялар ва



операциялардан азият чекди.

2015 йил май ойида пешоб йўллари ва буйрак тошидан қийналгани учун жарроҳлик столига ётқизилган эди. Операциядан кейин анча ўзига келди. Аммо 2019 йилда инфек-

ция яна қайталанди. Кекса футболчи бунга қарши антибиотиклардан фойдаланди. Ушанда у тиббий муолажаларни футбол ўйини билан солиштирганди. "Мен яна ўйнашга тайёрман, барча кўрсаткичлар жойида".

Вазият 2020 йил февраль ойида ёмонлашди. Унинг ўғли журналистларга берган интервьюсида Пеле соғлиги ёмонлашгани туфайли тушкунликка тушиб қолгани ва бошқалар унинг оғирлигини кўришини хоҳламаётганини айтди. Шундан кейин жаҳон юлдузи омма олдида ногиронлар аравачасида пайдо бўлди.

— Ҳаммаси жарроҳликдан кейин юзага келди. Отамда бўғимлар ҳаракати ўзгарди, шифокорлар уни етарлича реабилитация қилмадилар, — деди Эдиньо. — Ҳаракатдан чеклангач, депрессияга чалинди. Ахир у жаҳон футбол қироли. Ногиронлар аравачасида ўтиришдан жуда хижолат чекди.

ОСИЁ тайёрлади.

МУВАФФАҚИЯТ НИМА?

* Муваффақият — бу натижа эмас, балки, ҳаёт тарзи.

* Биз ҳаммамиз муваффақиятга эришишни истаймиз, аммо эсда тутиш лозимки, муваффақият — бу бир марталик ютуқ эмас. Бу охириги куч билан қандайдир шартли финиш чизиғини кесиш ўтиш эмас.

* Бу ҳаёт бизга бугун, эрта ва умуман кун сайин тақдим этадиган барча қийинчиликлар билан кураша олиш қобилияти.

* Муваффақият — бу куч,

ҳаётимизни мазмун билан бойитадиган ва уни ўзимиз истаган шартларда яшашимизга имкон берадиган куч.

* Муваффақият — бу якуний натижа эмас. Бу руҳий ҳолат.

* Сен муваффақиятга "эришмайсан". Сен муваффақиятли бўлиб борасан.

* Муваффақият — бу сен ортидан қувиб юрадиган нарсаси эмас, аксинча, сен уни ўз ҳаётингга жалб этасан. Аммо буни жуда кам кишилар тушунади.

ЧАРЧОҚ СИЗНИ ТАРК ЭТАДИ

➤ **Хонада лавр япроғини ёқсангиз, нима содир бўлишини биласизми?**

➤ **Ундан таралаётган ифोर натижа-сида ўзингизни яхши ҳис қила бошлайсиз;**

➤ **чарчоқ сизни тарк этади;**

➤ **хонадаги ёқимсиз ҳидларни бартараф қилади;**

➤ **намликни сақлаб туради;**

➤ **камроқ шамоллай бошлайсиз.**



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Адади: 6029
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.